

УДК: 632+635+56

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АГРОБИОЦЕНОЗИ ЭКСТРЕМАЛ ШАРОИТИ ДАНАКЛИ МЕВА ДАРАХТЛАРИДА ШИРАЛАР ТУРЛАРИ РИВОЖИ ВА ҚАРШИ ҚУРАШ

Торениязов Тилеумурат Елмуратович

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Аннотация: *Мақолада мева боғларидан данаклилар турларида ривожланидиган шираларнинг келтирадиган зарар мезонига таъсир этадиган ташқи муҳит омилларини аниқлаш ва биолабораторияларда етиштирилган олтинкўзни қўллаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари киритилган.*

Калит сўзлар: *сўрувчи, шира турлари, ареал, динамикаси, келтирадиган зарари, ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, олтинкўз.*

Қорақалпоғистон агроиклим шароитида сунги йиллари вужудга келаётган экологик омилларнинг ўзгаришлари қишлоқ хўжалик экинлари турларидан асосийлари ҳисобланган мева дарахтлари биоценози таркибидаги микро ва макро танашалар турларининг ўзгаришларига таъсир этаётганлиги ҳисобга олинди. Натижада мазкур шароитда вужудга келадиган микроиклим ва ўсимлик танаси, мевалар таркибидаги биокимёвий элементлар далада кўпгина ҳашаротларнинг, жумладан ўсимликлар танаси билан озиқланиб зарар келтирадиган зарарқунанда турларининг таъсиридан салбий тамонга ўзгариб боришига олиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси агробιοценози мева боғлари, жумладан данаклиларга мансув турларидан, бугунги кунда етиштириляётган махсулотлар ҳажми бироз кам. Мавжуд данакли мева боғлари, фермер хўжаликлари, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари), бошқа ташкилотлар, томорқалардаги барпо этилган мевазорлардан ташкил топиб, сунги йиллари ҳудуд шароитида олдин мавжут бўлмаган зарарқунандалар турлари пайда бўлиб, айрм шира турлари тарапидан катта зарар келтирилмоқда. Бу борадаги асосий манбаларнинг бири данакли мева боғлари биоценозида пайдо бўлиб, ҳосилнинг асосий қисмини йўқ қиладиган зарарқунандалардан шира турларига қарши қураш тадбирларини агроиклим шароитларини ҳисобга олиб илмий асосланган даражада ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мавжут муаммани илмий тадқиқотлар натижалари билан ҳал этиш мақсаида кўп йиллардан буён мақсус зарарқунандалар турларини



аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада, Қорақалпоғистон агробиоценози шимолий туманлари мева боғлари биотопларида экилиб ҳосил олинаётган данаклиларга мансуб ўрик (*Armeniaca vulgaris* Lam.), шафтоли (*Persica vulgaris* Mill.), олхўри (*Prunus domestica* L.) мева турларида ўсимликлар билан озиқланиши туфайли зарар келтирадиган ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.), мева канаси (*Tetranychus viennensis* Zacher.), бинафша рангли қалқондори (*Parlatoria oleae* Colvee.), Калифорния қалқондори (*Diaspirotus perniciosus* Comst.), Қомсток курти (*Pseudococcus comstocki* Kuw.), ўрик-камиш шираси (*Hyalopterus pruni* F.), шафтоли шираси (*Myzodes persicae* Sulz.), катта шафтоли тана шираси (*Pterochloroides persicae* Chol.) кенг тарқалиб, биоценознинг асосий биотик омиллари эканлиги ҳисобга олинди. Биотопдаги мева боғларидан асосий майдонларни эгаллайдиган ўрик ва шафтоли дарахтларида, тарқалган ареаллари келтирадиган зарарлилик даражаси бўйича доминант турлар ўрикда ўрик-камиш шираси, шафтолида шафтоли шираси, катта шафтоли тана шираси катта зарар келтириши туфайли, зарарни тўла бартараб этиш учун қарши кураш тадбирларини такомиллаштирилган турида олиб бориш керак бўлади.

Олиб борилятирган тадқиқотларнинг 2024-2025-йиллардаги натижалари, данакли мева дарахтлари турлари орасида асосий майдонни эгаллайдиган ўрикнинг бирнечта навларида март ойидан бошлаб қишловдан чиқиб, вегетация даври бошланиши билан ўрик-камиш шираси тарқалишни бошлаб, апрел ойига бориб дарахтлари баргларида тўдалар ҳосил қилиб, бир баргдаги ўрташа сони 86,9-245,6 донагаша етадиганлиги ва зарарқунанда тарқалган барглари сони тупларнинг 23,8-57,1 % ташкил қилган жойлар аниқланди. Тадқиқотларимизда ўрик тупларида тарқалган ўрик камиш шираси тури баргларида ўрташа 3,8-9,5 дона сони ривожланганда, меванинг пишиш давридаги вазни 2,4 граммга, 18,4-29,5 донаси ширалар зарарламаган тупларга нисбатан 8,1 грамм, 45,1-59,8 донагаша кўпайганда эса пишиб етилган мевалар вазни ўртача 11,8 граммгаша камайиб, сифатининг кескин пасайтирадиганлигини ҳисобга олганда, зарарқунанданинг қишловдан чиққан авлатларига қарши кураш тадбирларини ташкиллаштиришни тақоза этади. Бу барадаги олиб борилятирган тадқиқотлар натижалари ичлаб чиқаришга жорий этилмоқда..

Шафтоли баргларида ривожланадиган шафтоли ширасининг 2024-2025-йиллардаги ривожланиш динамикаси шунинг тақоза этадики, қишловдан чиққан авлатлари шафтолининг даслапки баргларида кўпайиб, май ойида бир баргда ўрташа 25,8-147,9 донагаша учраган бўлса,



зарарланган барглар сони 17,8-71,5 % га ша етиб, ўсимникдаги ўсиш жарионларини арқада қолдирадиганлиги аниқланди. Зарарқунанда сони, апрел-май ойларида, ўрташа бир баргда 2,3-4,9 дона ривожланганда мева вазнини 9,0 граммга, 8,9-11,9 донаси, 26,3 грамм, 16,4-20,3 донаси 41,8 граммгача камайтириб, сифатини пасайтириши зарарқунандага қарши кураш тадбирларини мақбул шароитларда, фақат агроиклим хусусиятларини ҳисобга олиб илмий асосда ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида олиб боришни тақозо этади.

Шираларнинг мазкур турларининг ўрик ва шафтоли дарахтларида ривожланиб зарар келтирадиган динамикасини тўғри бошқариш учун биотопнинг асосий энтомофаглари ҳисобланган олтинқўзни биологаторияда кўпайтириб эрта баҳордан далага шикариш тадбирларини олиб бориш имкони мавжудлиги қайд этилди.

Ўрик баргларида ривожланаётган ўрик-қамиш шираси сони 1 баргда ўртача 4,6-11,2 донани ташкил қилган мева дарахтларга биологаторияда кўпайтирилган олтинқўзнинг етук зоти 1:10 (шира х энтомофаг) нисбатдан тарқатилганда, сўнгги 10-куни биологик самарадорлик 34,6-51,9 %, орадан 30 кун ўтганда зарарқунанда сони 64,5-72,4 % камайишига эришилгани исботланди. Тадқиқотларни шафтоли дарахтлари баргларида ривожланган шафтоли шираси сони бир баргда 1,9-6,5 донага етганда олиб борилганда, барглардаги зарарқунанданинг сони тадбир ўтказилгандан кейинги 10-куни 48,3-64,6 %, 30-куни эса 61,3-78,5 % камайганлиги ҳисобга олиниб, мазкур биотопларда ширалар ёзги тиним даврига кетгунга қадар сони зарар келтириш мезонидан паст даражасида ушланиб турилиши ҳисабидан ҳосил тўла ҳимоя қилиб қолинди.

Қорақалпоғистон агробиоценози ўрик ва шафтоли дарахтларида тарқалиб, зарар келтирадиган зарарқунандалардан ўрик-қамиш ва шафтоли шираси асосийлари ҳисобланиб, ҳар йили фаол даражада тарқалиб зарар келтиришни бошланган дарахтлар аниқланиб, шираларга қарши профилактик кураш мақсадида эрта баҳордан бошлаб биологаторияда кўпайтирилган олтинқўзни тарқатиш ва зарарқунандалар ривожининг олдини олиш тадбири туфайли бир туп ўрик дарахтидан 12,8-21,4 кг, шафтолидан 11,5- 20,9 кг ҳосилнинг, кураш тадбирлари олиб борилмаган дарахтларга нисбатан ҳимоя қилиб қолиниши аниқланиб, илмий асосланган тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Келгуси йилларда ушбу тадбирларни барша далаларда қўллаш тавсия этилади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзалиева Х.Р. Биологический метод борьбы с вредителями сельскохозяйственных культур. –Т.: Матбуот, 1986. –С. 123-154.
2. Хўжаев Ш.Т. Агротоксикология асослари ҳамда тадқиқот ўтказиш усул ва шартлари. - Тошкент: «Зилол булок», 2020.-150 б.
3. Хўжаев Ш.Т. Пестицид ва агрохимикатларни рўйхатга олиш синовларини ўтказиш юзасидан услубий кўрсатмалар. - Тошкент: «Воокмани принт». 2023.-182 б.

